Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 16 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (13.162)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур" деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шунинг учун ҳам қачонки босқинчи ва истилочи кучлар эл-юртимизни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало, уни ўз тили ва динидан, тарихи ва маданиятидан, миллий ғуруридан жудо этишга уринган. Ўлкамиз қарамлик чангалига тушиб қолган истибдод даврларида она тилимизнинг ривожланиш имкониятлари чеклаб қўйилгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради.

Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир.

Шу борада Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндаларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз.

Ўзбек адабий тили айниқса XIV-XV асрларда – Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадризо Огаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адиб ва алломаларимизнинг ижодида она тилимизнинг луғат бойлиги, бадиий имкониятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим.

Мустамлака тузумининг тазйиқларига қарамасдан, ўз ҳаётини халқимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг равнақ топишига бағишлаган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуғ маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йўлда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зиёли инсонларнинг номларини эл-юртимиз доимо ҳурмат билан эслайди.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг вористари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур.

Бу борада 1989 йили юртимизда "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституциямизда муҳрлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғрисида"ги қарори, 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонун, 1995 йили "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу Қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожида, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор. Энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда – Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

Университет таркибида 3 та факультет: ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш, ўзбек-инглиз таржима факультетлари, шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи Университет таркибига ўтказилиб, унинг негизида Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айни шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университетнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро микёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;

ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукаммал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

4. Университет фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун иловага мувофиқ таркибда республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев)га:

Университет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорини тайёрлаш вазифаси топширилсин.

Ушбу қарорда Университетнинг таркибий тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университетни вақтинча жойлаштириш учун тегишли бино билан таъминлаш;

Университетни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, шу мақсадда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тугатилаётган ўзбек филологияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг раҳбар ва илмий ходимлари, профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

Университет олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режалари ва дастурлар, ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш;

Университет учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган тегишли бинолар, унинг ҳудудидаги майдон ва хиёбонларни реконструкция қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш, хусусан, бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни, истисно тариқасида, тендер савдолари ўтказмасдан танлаш, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-қидирув ишлари билан бир вақтда олиб бориш ва уларнинг белгиланган муддатда молиялаштирилишини таъминлаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларини 2017 йилнинг 1 августига қадар якунига етказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

5. Университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин ва 1-курсга қабул кўрсаткичлари бўйича таклифлар ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда:

Университетнинг бош биноси олдидаги майдонда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш бўйича тегишли ташкилотлар билан биргаликда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин;

ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этсин.

7. Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган компьютер техникаси, махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар, истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармонни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 май

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга бағишланган тадбир ташкил этилди.

• Қаршида "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда адлия, ички ишлар ва халқ таълими бошқармалари, вилоят прокуратураси, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Самарқандда касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, "Тадбиркор аёллар" уюшмаси ҳамда Марказий банк вилоят бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда коллеж битирувчилари ва уларнинг ота-оналари, тадбиркор аёллар қатнашди.

• Ғаллаорол туманидаги "Тождор" фермер хўжалиги раҳбари Аллаёр Ўсаров ўз маблағи ҳамда банкдан олинган 60 миллион сўмлик кредитдан фойдаланиб, чорвачилик тармоғини йўлга қўйди. Тармоқни ривожлантириш мақсадида бу ерга хориждан наслли қорамоллар ҳам олиб келинди. Эндиликда фермер хўжалигида етиштирилаётган сут қайта ишлаш корхоналарига жўнатилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Бразилия география ва статистика институти томонидан берилган маълумотга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатдаги ишсизлик даражаси 10,9 фоизга ошган. 2015 йилнинг тўртинчи чорагида эса бу кўрсаткич 9 фоиздан иборат бўлганди. Яъни, 2016 йилнинг январь-март ойлари ушбу мамлакатда 2004 йилдан буён ишсизлик даражаси энг юқори кўрсаткичга кўтарилган давр бўлди.

• Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкасида тобора кучайиб бораётган ўрмон ёнғинларини жиловлашнинг иложи бўлмаяпти. Хусусан, сўнгги бир кун давомида ушбу ҳудудда 5,5 гектар ўрмон кулга айланди.

• Чилида 14 та транспорт воситаси иштирокида рўй берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликка берилаётган эътибор ҳар қачонгидан катта эканлигини кўриб-билиб турибмиз. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътиборан ўз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасини белгилаб олди. Ўтган давр мобайнида соҳани тараққий эттириш билан боғлиқ ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишда, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишда, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Учтепа тумани прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳимоясига қаратилган қонун ижроси юзасидан доимий равишда назорат олиб борилмоқда. Жумладан, ҳар ойда икки маротаба туман мутасадди ташкилотлари масъул ходимлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Шу бугунги кунгача ўтказилган учрашувларда 120 нафардан ортиқ тадбиркорлар иштироки таъминланиб, улардан 35 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Жорий йилнинг 3 ойида ўтказилган текширувда 1 та тақдимнома киритилган, 2 нафар шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, туман прокуратурасида мавжуд 271-52-00 рақамли ишонч телефонига уч ой ичида тадбиркорлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув ҳамда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилиши юзасидан 2 та мурожаат келиб тушган, уларнинг 1 тасига тушунтириш берилган, 1 таси қаноатлантирилган.

Юртбошимиз ўзларининг маърузаларида "Кимки қонуний ишлаётган тадбиркорга қарши чиқса – уни ўзимга қарши чиққан деб ҳисоблайман" дедилар. Бу аввало мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар – буларнинг ҳаммаси энг аввало тадбиркорлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини тасдиқлаб турибди. Прокуратура органлари мазкур ҳужжатларнинг жойларда ижро этилишини таъминлаш мақсадида доимий равишда прокурорлик назоратини олиб бормоқда, тадбиркорларга нисбатан сунъий ғов ва тўсиқлар яратаётган шахсларга нисбатан эса тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилиши таъминланмоқда.

Э. ИНАМДЖАНОВ,
Учтепа тумани прокурори

МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИШДИ

Хабар қилинганидек, мамлакатимизда 5 майдан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари давом этмоқда.



Ислом Исмоилов олган сурат

Сергели туманида жойлашган Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицейда ҳам "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг сайлови бўлиб ўтди. Унга сайловчилар, сайловни ўтказувчи туман комиссияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Таъкидлаш жоизки, "Гулистон" маҳалласида 44 та кўп қаватли уйлар бўлиб, 7 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, 7 та ХУЖМШ фаолият олиб боради. Маҳалла ҳудудида битта ихтисослашган мактаб, академик лицей жойлашган. Тадбирда сайловчилар номидан 42 нафар вакил қатнашди.

Сайловда ўз номзодини маҳалла фуқаролар йиғини раислигига қўйган тўрт нафар номзодлар сўзга чиқиб, ўз дастурлари билан йиғилганларни таништириб ўтишди.

Сайловга ташриф буюрган вакиллар яширин овоз бериш йўли билан номзодларга овоз беришди. Саноқ комиссияси натижаларига кўра, Ҳусан Чинибаев энг кўп овоз тўплаб, "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланди.

Шундан сўнг фуқаролар йиғини вакиллари маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиларини сайлаб олиш мақсадида ўзлари маъқул кўрган серғайрат, ташаббускор номзодларга овоз беришди.

Айтиш жоизки, "Гулистон" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови очиқ-ошкора, муқобиллик ва тенглик асосида ўтди.

— Бугунги сайловлар очиқ-ошкора, демократия тамойиллари асосида ўтди, — дейди "Гулистон" маҳалласи фаоли Шоира Абдурасулова. — Вакиллар маҳалламизда узоқ йиллардан бери яшаб келаётган, халқ ичида ҳурмат ва обрўга эга муносиб номзодга овоз беришди. Ўйлайманки, янги фуқаролар йиғини раиси маҳалладошлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боради, ўзига билдирилган ишончни оқлайди.

З. ШАРИФЖОНОВ

* * *

Олмазор туманидаги "Қуёш" маҳалласи обод ва намунали фуқаролар йиғинларидан саналади. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига ушбу маҳаллада ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳи томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Маҳаллада яшовчи фаол ва ташаббускор кишилар орасидан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатилди. Бу фуқароларга энг муносиб номзодларни танлаш имконини берди. Сайловда маҳалла аҳли номидан 60 вакил иштирок этди.

Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган иккита номзодга сўз берилиб, улар ўз дастур ва мақсадлари билан сайловчиларни таништириб ўтдилар. Уларнинг дастурида маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, маҳаллани кичик бизнес ва ҳунармандлик марказига айлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар асосий мақсад қилиб олингани барчага маъқул бўлди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Абдуҳаким Қодиров "Қуёш" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси этиб қайта сайланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилган 20 та номзод орасидан 10 нафари эндиликда оқсоқол билан ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда иш олиб боради.

— Юртимизда маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди А.Қодиров. — Маҳалла аҳли менга қайта ишонч билдирган экан, иш фаолиятим давомида уни оқлашга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, болалар спортини, кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий кўмак бериш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, келгусида албатта маслаҳатчилар билан ҳамкорликда, маҳалладошлар билан биргаликда иш олиб борамиз.

Тумандаги фуқаролар йиғинларида сайлов давом этмоқда.

Шоира МУҲАМЕДОВА

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида 2014-2016 йилларга тузилган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳудудий келишуви ҳамда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарор ижросини таъминлаш йўлида шаҳардаги корхона ва ташкилотларда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилишига қаратилган семинар машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Чилонзор тумани ҳокимлигида ташкил этилган амалий семинарда иш берувчи корхоналар вакиллари, касаба уюшмалари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар иштирок этдилар.

Унда таъкидлаб ўтилдики, ўтган 2015 йил давомида жамоат шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 16 мингга яқин тадбирлар ўтказилиб 8 миллиард сўм маблағ сарф этилди.

Мутасадди идора вакиллари томонидан 316 та ташкилот ва муассасалар фаолияти ўрганилиб, 1014 та ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрлар бузилиши аниқланган бўлиб, улардан 997 таси касаба уюшмалари аралашувидан сўнг бартараф этилган. 237 банддан иборат 79 та тақдимномалар киритилган, ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 71 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— Бу каби семинар машғулотлари Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа туманларида ҳам ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекцияси бошлиғи Абдулла Мўминов, — тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Меҳнат кодекси", "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Иш берувчини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунлари ва қонуности ҳужжатлари, ходимларнинг иш жойидаги меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрлар, ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари юзасидан шаҳар корхоналари ва ташкилотларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича тушунчалар берилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиевнинг айтишича, корхоналарда жамоат шартномалари орқали меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи иш ўринларини яратиш долзарб масала ҳисобланади.

Ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, аёллар ва вояга етмаган фуқароларнинг касалликка чалинишининг олдини олиш, уларни тиббий кўрикдан ўтиши мониторингини олиб бориш, ходимларга меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига амал қилиниши ҳолатлари, шунингдек жамоа шартномалари тушунчаси, мақсади, асосий принциплари, уларнинг мазмуни ва тузилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қ. ЗОКИРОВ

Таълим

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг мультимедиа студиясида зоология фанидан "Капалакларнинг турлари" мавзусида видеодарс ёзиб олинмоқда. Ўн беш дақиқа давом этадиган ушбу дарсни Тошкент вилоятидаги 18-умумтаълим мактабининг биология фани ўқитувчиси Маъруф Ҳақназаров ўтаётир.

Бу ва бошқа фанлар, мавзуларга оид видеодарсларни вазирлик www.eduportal.uz ахборот-таълим порталининг "Электрон кутубхона" бўлимидан олиб фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга улар марказнинг 16 лаборатория мактабига тажриба-синов учун юборилади. Синовдан ўтгач, электрон манбалар барча умумтаълим мактабларига етказилади.

Умумтаълим мактаблари учун тайёрланаётган мультимедиа воситалари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ўғил-қизларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш билан бирга, педагоглар учун кўмакчи вазифасини ҳам ўтаётир.

Дарсликларнинг электрон шаклини яратиш соҳа мутахассисларидан ижодкорликни талаб этади. Бу борада марказ мутахассислари Республика таълим маркази вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу асосда олиб борилган ишлар самарасида 493 номда электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган.

Электрон дарсликлар, видео ва аудиодарслар, интерактив ва анимацияли виртуал лаборатория ишлари, тестлар, таълимий ўйинлар ва бошқа таълим ресурслари, методик қўлланмалардан айни вақтда кўплаб таълим муассасаларида кенг фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар салмоғини янада оширди.

Таълим муассасаларида замонавий техникалардан фойдаланиш борасида педагоглар учун ўқув-тренинг вазифасини ўтовчи электрон ахборот-таълим ресурслари – дастурлар яратилган. Бу ўқитувчиларнинг дарсни сифатли ташкил этиши, малакасини оширишга хизмат қилади.



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида порталда "Хорижий тилларни ўрганамиз" номли бўлим ташкил этилган бўлиб, ундаги турли қизиқарли ўйинлар, манбалар болажонларнинг чет тилларни тез ва осон ўзлаштириши учун қулайлик яратмоқда.

– Дарсликларни дастурлаш жараёнида болаларнинг руҳияти, қизиқишлари, ёшига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди марказ дастурчи-дизайнери Нилуфар Аъзамова. – Айни вақтгача 1-синфдан 4-синфгача бўлган болажонлар учун яратилган инглиз тили дарсининг электрон шаклини яратишда соҳа мутахассислари билан ҳамкорлигимиз яхши натижа берди. Бу дастурлар кичкинтойларнинг севимли ҳамроҳига айланиб улгурган. Бундан ташқари, юртимиздаги бошқа тилларда таълим-тарбия бериладиган мактаблар учун ҳам дарсликлар тайёрлаш ишлари олиб борилаётир.

1-3 синфлар учун инглиз, француз, немис тилларидан электрон дарсликлар, 5-9 синф ўқувчиларига мўлжалланган аудиодарсликлар тайёрланиб, умумтаълим мактабларига етказилган. Ушбу манбаларни вазирликнинг ахборот-таълим порталидан ҳам топиш мумкин. Бундан ташқари, порталдан уч юздан зиёд таълим ресурси, мультфильмлар, интерактив ўйинлар жой олган.

– Дарсликларнинг сайтга мунтазам тарзда жойлаштириб борилаётгани, улар ҳар йили янги адабиётлар билан тўлдирилаётгани боис сайт педагоглар ва ёш авлод учун кенг ахборот маконига айланмоқда, – дейди марказ директорининг биринчи ўринбосари Сарвар Мўминов. – Мультимедиа дастурларини яратиш, ривожлантириш, оммалаштириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Таълим масканларида ўқувчилар тўғридан-тўғри интернетда ёки синфхоналарда дисклар ва аудиодисклар ёрдамида фанга оид маълумотлар билан танишмоқда.

Юртимиздаги барча умумтаълим, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги фан ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва дарс ишланмалари йиғиб олиниб, дарсликлар шу асосда янада такомиллаштирилаётир.

Бунда вазирлик тизимида мунтазам ўтказиб келинаётган "Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайт", "Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурси" ва "Энг яхши дарс ишланмаси" кўрик-танловларининг аҳамияти катта бўлаётир. Ушбу йилдан мазкур танловларнинг электрон мурожаатлар тизими жорий этилди. Бунда танловнинг очиқ-ошкоралиги ва баҳолашнинг очиқлигини таъминлаш имконияти кенгаяди.

– "Энг яхши дарс ишланмаси" танловида иштирок этмоқдаман, – дейди Юнусобод туманидаги 9-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Умида Алимуҳаммедова. – Бу лойиҳалар фарзандларимизнинг фанга оид билимларини мустаҳкамлаши билан бирга, маънавиятини юксалтириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини муттасил ривожлантириб боришга хизмат қилади.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларидан бемалол фойдаланиб, ўз салоҳияти билан олам аҳлини лол қолдираётган ёшларимиз сафи кенгаймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшлар учун кенг шарт-шароитлар, қулай имкониятлар яратилаётганининг самарасидир.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Мен етмиш ёшни қоралаб, Чернобиль АЭСи фожеасини бартараф этишда қатнашган, хизмат юзасидан кўпгина хорижий юртларда бўлган, шу билан бирга Мустақиллик ҳавосидан, Юртбошимиз олиб бораётган одил сиёсат ва бунёдкорлик ишларидан баҳраманд бўлаётган миллионлаб ватандошларнинг бириман десам хато бўлмайди.

Миннатдорлик

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Аллоҳга беадад шукрки, муқаддас ва бетакрор юртимиз 25 йил мобайнида мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб, буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланишида ҳам рамзий маъно бор. Ахир соғлом фикрли ва алп келбатли фарзандларни тарбияловчи муҳтарам зот — оналаримизни эъзозлаш, болаларимизнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳар қандай ишимизнинг дебочаси бўлиши зарурда.

Туманимиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳафтанинг ҳар бир кунини аҳоли учун мослаб саломатлик кунлари, деб белгилаб қўйишган. Туманимиздаги 39 та маҳаллада тиббиёт ходимлари учун оналар ва болалар соғлиғини назорат қилувчи хоналар ташкил этилган. Шифокор ва ҳамшираларнинг онахонларни, ёш қиз-жувонларни, фарзандларимизни доимий тиббий кўрикдан ўтказиб туришади.

Кези келганда мен, кўзимга қайта нур ато этган, қўли енгил шифокорларга ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтмоқчиман. Инсон ҳаёти давомида кутилган, кутилмаган ҳодисаларга дуч келади. Иссиқ жон — иситмасиз бўлмас деганларидек, тўсатдан кўзим аввал хиралашиб, кейин кўрмай қолди. Бир қатор шифокорларга учрадим. Лекин натижа бўлмади. Умид билан Чилонзор туманидаги Бунёдкор кўчасида жойлашган "Нур Мед" номли кўз касалликлари шифохонасига мурожаат қилдим. Шифохонанинг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлангани, озодалигию беморларга кўрсатилаётган хизматлар ва шифокорларнинг ширин муомаласига қойил қолдим. Кўнглим кўтарилди. Худди хориж киноларида кўргандек, ҳаммаси аъло даражада. Барака топкур шифокор ҳам, ҳамшира ҳам, кичик ходимлар ҳам беморларга озор бериб қўймайлик деб жони ҳалак. Бундан ташқари бу ерда барча нуронийларга 20 фоиз чегирма билан жарроҳлик амалиёти ўтказилар экан.

Хуллас, суҳбат давомида касалликни тезда аниқладилар ва қандай қилиб жарроҳлик столига ётганимни ҳам, ҳеч қанча вақт ўтмай операция муваффақиятли тугаганини ҳам сезмай қолибман. Қисқа вақт ичида керакли муолажаларни олдим. Демоқчиманки, мустақил диёримизда ҳавас қилсак арзийдиган шифохоналар ташкил этилиб, беморларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. "Нур Мед" кўз касалликлари шифохонаси мудири Қобилжон Фофуров, шифокор Баҳодиржон Холбеков, Бектош Эргашев, бош шифокор Дилшодахон Фофурова, ҳамширалар Ойшахон Қурбонова, Жаҳонгир Муҳамедов ва бошқа шифохонанинг катта-кичик ходимларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бу биргина менинг дил изҳорим бўлибгина қолмай, балки кўзларига нур олиб, гўёки ёруғ дунёга қайта келаётган кексаларнинг сўзларидир.

Юртимизга кўз тегмасин, осмонимиз мусаффо бўлиб бошқа соҳалар каби тиббиёт муассасаларимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар янада кўпаяверсин.

Қўлингиз дард кўрмасин азиз, шифокорлар!

Баҳодир ота ҚУРБОНОВ,
Сергели туманидаги Аҳмад ал-Фарғоний номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, меҳнат фахрийси

Қадрли муштарийлар, "Оқшом" газетасининг мухлислари!

Яна сизлар билан "Хатлар — ҳаёт ойнаси" саҳифаси орқали дийдор кўришиб турганимиздан беҳад мамнунмиз. Инсон ҳамиша ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишда яқинларига суянади, уларнинг моддий ва маънавий ёрдамларидан оёққа туриб, олдинга интилади.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдикки, биз газетамиз саҳифаларида мунтазам равишда бериб бораётган газетхонларнинг таклиф, муаммо ва камчиликларини бартараф этиш ҳақидаги чиқишларига айрим мутасадди ташкилотлардан вақтида жавоб ололмаяпмиз. Ҳар бир мурожаат ортида инсон турганини унутмайлик, дея бу мавзуга яна қайтамиз.

Мактуб ва қўнғироқларингизни кутиб қоламиз, азизлар!



Ислом Исмоилов олган сурат

Йўловчи мулоҳазаси

ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛСА

Маълумки, кейинги пайтларда ҳар биримиз нақд пулдан кўра, пластик карточкада ҳисоблашишни маъқул кўрмоқдамиз.

Мен ҳам отамнинг ойлик маоши пластик карточкага тушди, дегунча автобус учун жетон олишга шошиламан. Бундан ташқари автобус учун йўл ҳақини сўмда эмас, жетонда тўлашнинг афзалликлари бор. Аммо, афсуски, кейинги пайтда пешонасига "Ойлик йўл чипталари ва жетонлар" деб ёзиб қўйилган дўконларнинг аксарияти ҳар ойнинг 5 кунидан то 20 сигача ёпиқ туради. Аксига олиб отамнинг ойлик маоши 5 чи дан кейин тушади. Натижада эшиги қулф бўлган юқоридаги дўконлардан жетон сотиб олишнинг имконияти бўлмаяпти. Наҳотки, ушбу дўконда ишловчи сотувчиларнинг иш куни ўн беш кун бўлса?

Хуллас, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси мутасаддилари шунга эътибор қаратишса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Негаки, мен каби лицей ва коллеж ўқувчилари автобуслар учун жетон ололмай қийналаяпмиз.

Яна бир гап. "Қўйлиқ — Тўқимачилик комбинати" йўналиши бўйича қатнайдиган 45-автобуснинг оралиғи баъзан бир соатга қадар бўляпти. Сабабини сўрасак, "ёқилғи йўқ" дейишмоқда ҳайдовчилар. Айниқса, эрталаб бир амаллаб автобусга чиқиб олаётганимиз бор гап. Имкони бўлса мутасаддилар шунга ҳам эътибор қаратишса...

Гавҳар ТОШТЕМИРОВА,
Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей ўқувчиси

Тадбирлар

ТИНЧЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-ҳунар коллежида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Юнусобод тумани бўлими томонидан ўқувчи-ёшлар иштирокида "Тинчлик — олий неъмат" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Дастлаб ўқувчиларга "Тинчлик — олий неъмат" номли фильм намойиш этилди. Бу бежиз эмасди, зеро, тинчликнинг қадри бугунги тезкор, глобаллашув даврида янада яққолроқ сезилмоқда. Дунёнинг баъзи давлатлардаги нотинчлик, турли хунрезликлар, қирғинбарот урушлари давом этаётган бир пайтда юртимизда сақланиб турган тинчлик, осойишталикнинг қадрига янада кўпроқ етишимиз лозим.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар самараси ўлароқ Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланиш йўлига қадам қўйди. Бугун тадбиркорлик билан шуғулланаман, деган фуқаролар учун барча йўллар очиқ, уларнинг давлат рўйхатидан ўтишлари учун кўп вақт талаб этилмайди. Тадбиркор иш бошлаганидан кейин солиқларни ўз вақтида тўлаши, қонуний фаолият юритиши ўзига фойдадир. Ўқувчилар билан учрашувдан кўзда тутилган мақсад ҳам ҳозирданоқ ёшлар онгида қонун асосида фаолият юритиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Умуман олганда, ёшлар бугунги ўзгаришларга асло бефарқ эмас. Уларнинг ўз мустақил фикрлари бор эканлигини йиғилишда берилаётган саволлардан ҳам пайқаш мумкин. Бундай учрашувларни Юнусобод туманидаги бошқа коллеж ва академик лицейларда ўтказишни режалаштириб олдик.

Жобир МАМАДАЛИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Юнусобод тумани бўлими ходими

Саховат

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ КАМОЛИНИ КЎРИНГ

Биз Миробод туман "Янги Миробод" маҳалла фахрийлари ва қарилик гаштини суриб, табаррук ёшдаги нафақахўрлар томонидан бизга бир неча йиллардан буён моддий ва маънавий ёрдам, айниқса, байрам кунларида йўқлаб, меҳр-саховат кўрсатиб келаётган инсонларга, яъни "Шарқтехэнерготаъмир" қўшма корхонаси раҳбарияти ва корхонанинг жонкуяр ходимларига беқиёс миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Қўлимизни дуога очар эканмиз, уларга ишларида ривож, узоқ умр кўришларига доимо тилакдошмиз, фарзандларининг бахти ва камолини кўришларини тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ кексалар номидан 95 ёшли табаррук инсон
Ўғилой ЮЛДАШЕВА ва уларнинг қизлари Дилдора БАБАДЖАНОВА,
Миробод тумани, Мироншоҳ 7-тор кўча, 1-а уй, 3-хонадон

Биз, "AZIZ POLVON TRANSSERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли 55М-сонли Қўйлиқ М-4АФШ — М.Юсуф кўчаси АШБ" йўналиши бўйича қатнайдиган маршрут-такси хизматидан ҳар куни ўқишга, ишга, бозорга бориш учун фойдаланамиз.

Намуна

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Ушбу йўналишда корхона раҳбарияти томонидан йўловчилар учун яратилган қулайликлар, яъни автомобилларнинг тоза-озодалиги, кун давомида бир хил интервалда қатнаши, айниқса ҳайдовчиларнинг ҳар бир йўловчи билан хушмуомалалиги таҳсинга лойиқ. Ва бу ҳар бир йўловчини хушнуд этади.

Биз бир гуруҳ йўловчилар номидан "AZIZ POLVON TRANSSERVIS" масъулияти чекланган жамияти раҳбариятига ҳамда корхона ҳайдовчиларидан- алоҳида равишда Абдумалик Эргашев ва Маҳмуд Хатамовларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бундан тахминан бир ой муқаддам корхона раҳбариятига телефон орқали мурожаат қилиб Қўйлиқ М-4 АШБдаги микроавтобусларнинг сўнгги бекатининг айрим жойлари таъмирталаб аҳволдалигини айтган эдик. Орадан кўп вақт ўтмай бекат таъмирдан чиқарилди.

Ушбу корхона раҳбариятининг бугунги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган қулайликлардан унумли фойдаланаётганини доимий равишда йўналишга янги автомобиллар чиқараётганидан ҳам билиш мумкин. Шу ўринда шаҳримиздаги барча йўналишли такси корхоналари "AZIZ POLVON TRANSSERVIS" масъулияти чекланган жамиятидан ўрнак олиб ишласа нур устига аъло нур бўлар эди.

Чунки айрим йўналишлар бўйича қатнайдиган автобус, микроавтобус ва таксиларнинг техник ва санитар ҳолати умумий қилиб айтганда талабга жавоб бермайди.

Ишонамизки, "AZIZ POLVON TRANSSERVIS" масъулияти чекланган жамияти корхонаси келгусида ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг транспорт соҳасининг юксалишида, йўловчиларни манзилларига ўз вақтида соғ-саломат етказиб, сифатли ва намунали хизмат кўрсатишда янги-янги марра ва ютуқларга эришиб бораверади.

Бир гуруҳ йўловчилар номидан
Алишер ҒАНИЕВ

Ўзбек халқининг ўзига хос миллий либослари жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнига эга. Кийиниш маданияти бугунги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

ЛИБОС — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Ташқи кўриниш инсоннинг қандайлигини, унинг дунёқарашини шундоққина намоён қилиб туради. Афсуски чет эллардан келтирилган турли кийимлар маданиятимизга зид бўлибгина қолмай, инсоннинг хулқ-атворига ҳам таъсир қилмоқда.

"Оммавий маданият" таъсири остида миллий менталитетимизга ёт бўлган турли кийиниш услубларининг кириб келиши натижасида ёшларимизнинг кийим танлаш борасидаги кўз қарашлари миллийлигимизга, шарқона ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайди. Бу эса кийиниш маданиятининг асоси бўлган ахлоқий маданиятнинг шаклланишидан далолат беради. Юртбошимиз "Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги" деб бежизга таъкидламаганлар. Шу ўринда ўзбек йигитларимиз хорижий мамлакатларнинг услубига тақлид қилаётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Ҳар бир кийим нафақат инсон руҳиятига, балки унинг соғлиғига ҳам таъсир қилади. Миллат давомчиларини дунёга келтирувчи аёлнинг ўз назокати унинг кийган либосларида акс этади. Кўчаларимизда аёлларимизнинг кийинишларига ҳам эътибор қаратишимиз даркор. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола" йили деб номланиши аёлларнинг соғлиғига бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Шу ўринда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг кийиниш маданиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларнинг ўз услублари бор. Ахир улар маънавият маскани бўлмиш илм даргоҳига билим олишга келишмоқда, кийимларини кўз-кўз қилгани эмас...

Бизнинг институтимизда кийиниш маданиятига катта эътибор қаратилади. Бошқа илм масканларида ҳам бунга эътибор берилса айни муддао бўларди. Шунда ҳар бир ўғил-қиз интизомга, моддий жиҳатдан тежамкорликка ўрганармиди?

Гулжаннат АСАНОВА,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси

Санъат

ЁШЛИК НАВОЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар ўртасида мумтоз мусиқа санъати тарғиботига катта эътибор қаратилиб, бир қатор концертлар ўтказилаётгани қувонарли ҳолдир.

Истеъдодли, ёшлардан таркиб топган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган дирижёр Камолиддин Ўринбоев раҳбарлигидаги "Ёшлар симфоник оркестри" ҳар йили ўз концерт дастурларини санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этиб келмоқда. Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган концерт дастури Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди. Ушбу ижодий тадбирда ўзбек ва жаҳон мусиқа асарлари дурдоналаридан намуналар намойиш этилди.

Концертга ўзгача файз, кўтаринки руҳ олиб кирган Республика танлови совриндорлари Нилуфар Муродова ва Фазилат Аҳмедовалар Манас Левиевнинг "Ўрик гуллаганда", "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Шероз Турсунбоев ва Наврўз Муҳаммадяровлар Сулаймон Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операсидан "Ҳожи Дарға арияси", ёшлар симфоник оркестри ва хор жамоаси томонидан Одиссеас Вангелиснинг "Жаннатни забт этиб", Нурали Шукуруллаев Фарид алъ-Арташнинг "Арабча танго", халқаро танлов совриндори Раҳим Мирзакамоловлар томонидан Жорж Бизенинг "Кармен" операсидан "Тореадор куплетлари" асарлари маҳоратли тарзда ижро этилди.

"Ёшлар симфоник оркестри" ва унинг бадиий раҳбари К.Ўринбоев ўзининг устозлардан олган билимларини ҳамда юқори касбий даражасини намойиш этиб, кўп сонли мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Мадина АҲМАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси 1-босқич талабаси

Спорт янгиликлари





НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Хабар қилинганидек, Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ва "Happy Caravan" халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби спортчи ва мураббийлар, ҳакамлар, мутахассислар ва спорт мухлислари билан гавжум. Бу ерда нафосат ва гўзаллик байрами – икки йирик спорт анжумани ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси томонидан Халқаро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур мусобақаларда Ўзбекистон, АҚШ, Беларусь, Жанубий Корея, Испания, Исроил, Малайзия, Польша, Россия, Хитой, Эстония, Япония, Қозоғистон, Арманистон каби давлатлардан гимнастикачилар ўз маҳоратини синовдан ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида қизларни спортга жалб этиш, уларга мос спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Қиз болаларни спортга жалб этиш кўрсаткичи 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётир. Қизларни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида аёл мураббиялар тайёрлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлом она ва бола йилида бу борадаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилди. Зеро, бундан кўзланган асосий мақсад қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмонан ва маънан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлашдир. Президентимиз таъкидлаганидек, қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурадиган оила ҳам, унинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади.

Бадиий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар сони кейинги беш-олти йилда кескин ошгани қувонарлидир. Нафосат, назокат ва гўзаллик тимсоли бўлган ушбу спорт тури қизларнинг жисмонан соғлом, иродаси мустаҳкам, диди ва дунёқараши юксак инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Гимнастика федерацияси томонидан барча вилоятларда федерациялар фаолияти йўлга қўйилди, мунтазам ўтказиб келинаётган ҳудудий ва республика мусобақалари иқтидорли спортчиларни аниқлаш, мамлакатимизда гимнастикани янада оммалаштириш имконини бермоқда. Ана шундай мусобақаларда чиниққан спортчиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатларида, Осиё ва Олимпия ўйинларида, нуфузли турнирларда муносиб иштирок этмоқда.

Халқаро гимнастика федерацияси мусобақалар тақвимидан жой олган Жаҳон кубоги босқичи пойтахтимизда еттинчи марта ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, мамлакатимизнинг юксак спорт салоҳияти, мустаҳкам моддий-техник база, яратилган шарт-шароитлар, тўпланган бой тажриба туфайли юртимизда ҳар қандай йирик спорт тадбири юқори савияда ўтказилиши халқаро спорт жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилади. Мазкур мусобақа жаҳон гимнастика осмонида янги юлдузларни кашф этиш баробарида, тажрибага эга спортчиларнинг маҳоратини оширишда катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Бу йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари олдидан ушбу мусобақа гимнастикачилар учун муҳим тайёргарлик босқичи ҳисобланади.

Жаҳон кубоги босқичи доирасида ташкил этиладиган анъанавий "Happy Caravan" халқаро турнири гимнастика оламига янги кириб келаётган ёш нафосат маликалари учун том маънода катта спорт байрамига айланади.

Ушбу мусобақаларда бу йил юздан ортиқ спортчи ғолиблик учун баҳслашмоқда. Жаҳон кубоги босқичининг шахсий баҳсларида Елизавета Назаренкова ва Анастасия Сердюкова, гуруҳ баҳсларида Самира Амирова, Валерия Давидова, Луиза Ганиева, Зарина Қурбонова, Марта Ростобуровадан иборат жамоамиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. "Happy Caravan" халқаро турнирида Асал Икромова, Аидэ Гасанова, Лола Зокирова, Милана Тян, Алексия Киселёва ва Нуринисо Усмонова каби ёш гимнастикачиларимиз иштирок этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ходиев иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ДАВРА СУҲБАТИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатининг бутун мазмун-моҳиятини "Соғлом она – соғлом бола" шиори орқали ифодалаш мумкин.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши, Ўзбекистон миллий университети қошидаги 2-сонли академик лицей билан ҳамкорликда "Фарзандларимиз соғлиғи доимий эътиборда" мавзусида учрашув ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилиш, тиббий кўриклардан ўтиш, келажак авлодни соғлом, баркамол, етук фарзандлар қилиб вояга етказишнинг аҳамиятини тушунтиришга қаратилди.

Ҳозирда нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида хотин-қизлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Оила соғлом бўлиши учун она ҳам жисмонан, ҳам ақлан соғлом ва маънавияти етук бўлиши лозим.

Интерактив савол-жавоб кўринишида ўтган давра суҳбати сўнгида ёшлар барча саволларига жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

Кўргазма

КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Бадиий академия академиги, рангтасвирчи рассом Йигитали Турсунназаровнинг "Севаман сизни" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди, дея хабар беради ЎзА.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Ҳ.Аминов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган санъат асарлари яратиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истеъдодли мусаввир Й.Турсунназаров рассомчиликка ихтисослашган таълим масканлари, хусусан, институтда ёш авлодга тасвирий санъат сирларидан сабоқ бериб келаётир. Ижодкор асарларида ранглар уйғунлиги, асосий ғоянинг яққол намоён бўлиши, мавзуга ёндашувнинг ўзига хослигини кузатиш мумкин. Картиналар томошабинда қизиқиш уйғотмоқда.

Ижодкорнинг Амир Темур образини яратган туркум асарлари, турли касб эгаларининг портретлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

"Севаман сизни" деб номланган ушбу кўргазмада намойиш этилаётган икки юздан ортиқ тасвирий санъат асарида юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиати манзаралари, ранг-баранг кўринишга эга қишлоғу шаҳарларимиз, умрбоқий қадриятларимиз, самимий ва меҳнатсевар одамларимиз ҳаёти ўзига хос услубда акс эттирилган.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

МАҲОРАТЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШДИ

Ички ишлар вазирлиги маданият саройида "Патруль-пост хизматининг энг яхши мутахассиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳар жиҳатдан равнақ топиб, дунё давлатлари орасида ўз ўрнини топиб бораётганлигини, бунга юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, осойишталик сабаб бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар. Албатта, тинчлик бор жойда тараққиёт, ривожланиш бўлади. Уни кўз қорачиғидек асраш, бузғунчилардан ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари ходимларининг, хусусан, патруль-пост хизмати вакилларининг ҳиссаси беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид қарорига асосан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида соҳада олиб борилган ислоҳотлар туфайли мазкур хизмат ходимларининг касб маҳорати, билим савияси, жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги хизмат самарадорлиги ошиб борди. Соҳа ходимлари профилактика инспекторлари, йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамда маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек, турли оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда фаол қатнашмоқда.

Соҳада муваффақиятларга эришган ҳамда хизматда юқори натижалар кўрсатган ходимлар тажрибасини оммалаштиришга хизмат қиладиган мазкур танловда "Патруль-пост хизматининг аълочи милиционери", "Намунали отряд командири", "Намунали гуруҳ командири", "Намунали патруль-пост хизмати саф бўлинмаси" номинациялари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Биринчи ўрин соҳибларига танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди.

– Кўрик-танловлар ходимларни ишга янада масъулият билан ёндашишга, билим ва тажрибаларини бойитишга ҳамда ўз устида кўпроқ ишлашига туртки бўлади, – дейди "Намунали отряд командири" номинацияси ғолиби Абдуманнон Собиров. – Шунингдек, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашишимизда катта аҳамият касб этади.

Абдуалим САЛИМОВ

Футбол бўйича 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз Беларусь мамлакатида ўқув-машғулот йиғини ташкил этганидан мухлислар хабардор албатта.

ИККИНЧИ УЧРАШУВДА ҲАМ ҒАЛАБА

Осиё чемпионатига Беларусда тайёргарлик кўрган Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз машғулотлар доирасида Беларусь ёшлар терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувлари уюштириши режалаштирилган эди. Дастлабки баҳсда ёшларимиз мезбонларни 3:0 ҳисобида мағлуб этган эди. Айнан беларуслик тенгқурларига қарши иккинчи баҳсда майдонга тушган Жасур Абдураимов шогирдлари яна зафар қучишди. Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳс 2:1 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бектемир туманидаги 293-ўрта умумтаълим мактабида ёшлар ўртасида хона авиамодели спорт тури бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва соғлом бўлишлари, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мусобақада 4 та жамоа ва 27 нафар спортчилар иштирок этди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан соғлом бўлишлари учун республика миқёсида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Келажак пойдевори мустаҳкам бўлишида спорт муҳим омиллардан бири эканлиги шубҳасиз. Бу каби мусобақалар уларни республика, жаҳон миқёсидаги чемпионатларда қатнашишлари учун кўприк вазифасини ўтайди.

Мусобақалар якуний натижаларига кўра жамоалар ўртасида 1-ўринни "Ватанпарвар" ташкилоти "Мирзо Улуғбек ЎСТК" унитар корхонаси жамоаси эгаллади. 2-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК", 3-ўрин "Чилонзор ЎСТК" унитар корхона спортчиларига насиб этди. F 1 M синфида 7-18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 1-ўринни "Мирзо Улуғбек ЎСТК" спортчилари Равшан Мирзажонов, F 1 D синфида 18-25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида эса 1-ўрин Нуриддин Ходжаевлар эгаллашди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, спортчиларимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари билан уларда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

ХОТИРА ТУРНИРИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган "Tashkent open" халқаро турнири ниҳоясига етди.

Мусобақанинг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида энг яхши натижани ҳамюртимиз Гулруҳбегим Тоҳиржонова (6,5 очко) қайд этган бўлса, унинг жамоадошлари — Сарвиноз Қурбонбоева ва Севара Боймуродовалар чемпиондан бир очкога ортда қолишди. Йигирма ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Нодирбек Ёқуббоев, Ортиқ Ниғматов, Нилуфар Ёқуббоева кучлилар қаторида эътироф этилди. Ўн ёшгача болалар ўртасида Исломбек Синдоров, етти ёшга тўлмаган иқтидорлар ўртасида Ҳумоюн Бегмуродов тақдирланди.

Швейцарча тизимдаги тўққиз турдан иборат мусобақада эса 7,5 балл жамғарган тожикистонлик Фаррух Омонатов қўшимча кўрсаткичларга кўра биринчи, озарбайжонлик Рауф Мамедов иккинчи, 7 балл тўплаган украиналик Александр Зубарев учинчи ўринни эгаллади. Фахрийлар ўртасида Акром Тошхўжаев, Владимир Егин, Георгий Ли кучли учликдан жой олди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"QUALITY PRODUCT MANUFACTURING" МЧЖ ИНН: 301939277га тегишли бўлган 2014-2015 йилларда тузилган №1-710 гача ораликдаги шартномалар ва счёт-фактура накладнойлар (юк хати) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 11 май кунги 96-сонида чоп этилган хабарномага қуйидаги ўзгартириш киритилмоқда: аукцион савдосида қатнашиш учун тўланадиган закалат пули "кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% миқдоридан кам бўлмаган" деб ўқилсин.
"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 май** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда, кучайган ҳолда 15-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 май** ва **18 май** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9029
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.15
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ